

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019 .Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ**

КУЛДАШЕВ АБДУЛЛА ХАМИДУЛЛАЕВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ МИНЕРАЛ ХОМ АШЁЛАР АСОСИДА ОЛОВ
ВА ИССИҚДАН САҚЛОВЧИ ҚОПЛАМА МАТЕРИАЛЛАРИНИ ОЛИШ
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.10.02 – Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнғин, саноат,
ядро ва радиация хавфсизлиги**

**Диссертация химоясисиз ихтиро патенти асосида
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини бериш бўйича**

ТАҚДИМНОМА

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the of doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Кулдашев Абдулла Хамидуллаевич

Маҳаллий минерал ҳом ашёлар асосида олов ва иссиқдан сақловчи
қоплама материалларини олиш усулларини такомиллаштириш

4

Кулдашев Абдулла Хамидуллаевич

Совершенствование способов получения огне- и теплозащитных
покрытий на основе местного минерального сырья

17

Kuldashev Abdulla Xamidullayevich

Improving methods for obtaining fire and heat-resistant coating materials
based on local mineral raw materials

32

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

35

List of published works

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/T2573 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)), Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.fvvakademiya.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маджидов Ином Уришевич

техника фанлари доктори, профессор

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура қурилиш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.26/30.12.2019.T.11.01 рақами Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил «_____» соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 7в-йй. Тел.: (99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00, e-mail: devon@taqi.uz, taqi_atm@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100084, Тошкент ш., Кичик халқа йўли кўчаси, 7-йй. Тел.: (+99871) 235-43-30; факс: (+99871) 234-15-11, e-mail: taqi_atm@edu.uz, факс: (+9987-1) 241-80-00, e-mail: taqi_atm@edu.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» куни тарқатилди.
(2022 йил «_____» даги _____ рақами реестр баённомаси).

Х.А.Акрамов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.Т.Хотамов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

КИРИШ (тақдимнома аннотацияси)

Бугунги кунда жаҳонда содир бўлаётган ёнғинлар, айниқса техноген тусдаги ёнғин билан боғлиқ оғатлар кескин ошиб бормоқда. Бу соҳада олиб борилаётган таҳлиллар натижалари шуни кўрсатяптики, ҳар йили ўртача 8 миллиондан кўпроқ ёнғинлар содир бўлади, бунда 90 мингдан ортиқ инсоннинг ҳалок бўлиши, 750-800 минг кишининг жароҳатланиши, қарийб 50 миллиард АҚШ доллари миқдорида моддий заарар кўрилиши кузатилади. Жумладан, ривожланган давлатларда ёнғинлардан кўрилган моддий заарар ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг тахминан 1 %ни ташкил қилмоқда. Дунё бўйича содир бўлаётган ёнғинлар майдонларининг катталиги, улардан келиб чиқаётган моддий заарарлар, инсонларнинг ҳалок бўлиши ва жароҳатланиши билан боғлиқ нохуш ҳодисалар ҳозирги замон бино ва иншоотларининг қурилишида ёнғин хавфсизлигини таъминлашига катта эътибор қаратишни талаб қилмоқда. Жумладан, бино ва иншоотларнинг конструкцияси ва материалларига кўп композиция билан ишлов бериш, ёнғинлардан ҳимояловчи турли самарали воситалардан фойдаланиш, иссиқдан ҳимояловчи, оловбардош материалларнинг таркибларини яратиш ва уларнинг хоссаларини тадқиқ этиш, илмий асосланган таклифлар киритиши долзарб ҳисобланади. Оловбардош қурилиш материалларини олиш технологиясини такомиллаштириш ва физик-механик хусусиятларини ўрганиш, янги замонавий қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, унинг турларини кенгайтириш бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириш, бу материалларни маҳаллийлаштириш дастури асосида замонавий, қулай ва сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш миқдорини ошириш ва ўз навбатида импорт улушкини камайтириш бугунги кунда муҳум аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда бино ва иншоотлар қурилиш конструкциялари ва материалларининг ёнғиндан ҳимояланганлигини ошириш мақсадида, оловбардош композициялар яратиш борасида кенг кўламли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан маҳаллий хом ашё асосидаги замонавий қурилиш материалларининг таркибларини яратиш ва уларнинг хоссаларини тадқиқ этишга эътибор қаратилмоқда. Бу борада маҳаллий хом ашё асосидаги материалларга композициялар билан ишлов бериш технологияларини такомиллаштириш масалалари долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Республикамизда оловбардош ва мустаҳкам қурилиш материалларини олиш технологиясини яратиш ва физик-механик хусусиятларини татбиқ этиш орқали уларнинг оловбардошлигини ошириш, қурилиш конструкцияларининг ёнғин пайтидаги бузилишгача бўлган вақтини узайтириш, авария-қутқарув ишларини ташкиллаштириш ҳамда инсонларни қутқариш каби масалаларнинг самарали амалга оширишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини жадаллаштириш зарурати туғилмоқда. Ушбу йўналишда республикамизда “...одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш, ... ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, ...ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш”¹ каби вазифалар белгилаб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони.

берилган. Бу борада қурилиш конструкциялари ва материалларининг оловбардошлигини ва иссиқлиқдан ҳимоялаш даражасини ошириш технологияларини яратиш масалалари мұхим ақамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4335-сон ҳамда 2019 йил 24 августдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятини янада ошириш тўғрисида”ги ПҚ-4426-сон Қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 октябрь кунидаги “Ёнгин хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 649-сон Қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси ва хорижда кейинги йилларда оловбардош қурилиш материалларини олиш ва уларнинг структураси ва хоссаларини тадқиқ этиш ҳамда технологияси асосларини ишлаб чиқиши бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, ёнгин ва олов ҳароратидан ҳимояловчи материалларнинг назарияси ва амалиётига С.Е.Артеменко, А.А.Берлин, К.Э.Горяйнов, С.К.Горяйнова, Г.Е.Заиков, В.И.Кодолов, М.Б.Седельникова, А.А.Страхов, Б.А.Мавлянкариев, Ш.Э.Курбанбаев, Б.Т.Ибрагимов ва бошқа тадқиқотчилар катта ҳисса қўшганлар.

Маҳаллий хом ашё асосида қурилиш материалларининг оловбардошлик даражасини ошириш муаммоларига доир геология соҳасида волластонитни ер қазилма бойлиги сифатида саноатда ишлатиш масаласи А.С.Астахов, Н.А.Архипов, Ж.К.Галиев, Г.Л.Краснянский, Н.Б.Изыгzon, Я.В.Моссаковский, И.В.Петров, А.А.Петров, М.А.Ревазов, В.Ю.Федорин, В.А.Харченко, А.Б.Яновский, М.А.Ястребинскийларнинг илмий ишларида батафсил ёритилган ва маълум даражада ижобий натижаларга эришилган.

Волластонит ва вермикулит минералларининг нафакат ёнгин хавфсизлиги соҳасида, балки геология, тиббиёт, радиология, кимё, минералогия ва бошқа фанлар доирасида ўрганилиши ҳамда унинг зарур бўлган фойдали сифатлари, турли соҳаларда қўлланилиши пироксенит минераллари гурухига кирувчи силикатли кальций моддаси бўлмиш волластонитнинг жамият ҳаёти учун нақадар мұхимлигини кўрсатади.

Мазкур минералнинг юқоридаги фойдали хусусиятларининг мавжудлиги уни АҚШ, Германия, Россия Федерацияси, Ҳиндистон ва бир қатор бошқа мамлакатларда тадқиқот обьекти сифатида кенг миқёсда ўрганилишига олиб келди. Шу сабабли, бугунги кунда қурилиш материалларининг оловбардошлигини таъминлаш ва волластонит минерали асосидаги

таркиблардан фойдаланиш долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси илмий-тадқиқот ишлари режаси ва БВ-Атех-2018 “Маҳаллий минерал хом ашё асосида қурилиш конструкциялари ва материалларининг оловбардошлиги ва олов таъсиридан изоляциялаш даражасини кўтариш” (2018–2020 йиллар) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий хом ашёлар асосида оловбардошликини оширувчи ва юқори даражали иссиқлиқдан ҳимояловчи янги таркибли ишлаб чиқариш технологияси асосида қурилиш аралашмаларини (курилиш пастаси ва сувоқ) яратиш ҳамда уларни қўллаш орқали бино ва иншоотлар ёнгин хавфсизлигини оширишга эришишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

илмий изланишларни бажаришда фойдаланиладиган маҳаллий хом ашёларни танлаб олиш ва хоссаларини тадқиқ этиш;

маҳаллий хом ашёлар асосида ҳарорат таъсирига бардошли экологик тоза қурилиш материалларининг янги таркибларини ишлаб чиқиши;

маҳаллий хом ашёлар асосида янги ишлаб чиқилган қурилиш материалларини қўллаш орқали қурилиш конструкциялари ва материалларининг оловбардошлиги ва иссиқдан изоляциялашни самарали таъминлаш масалаларини тадқиқ этиш;

бино ва иншоотларга ишлатиладиган қурилиш материалларига композициялар билан ишлов бериш технологияларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида маҳаллий хом ашёлар – волластонит минераллари, вермикулит, базальт тола, ноорганик ва органик тўлдирувчилар, ёғоч, металл ва темирбетон қурилиш материаллари ва конструкциялари олинган.

Тадқиқотнинг предмети ёғоч, металл ва темирбетон конструкцияларининг оловбардошлигини оширадиган янги таркибли қурилиш аралашмаларни ишлаб чиқиши ва амалиётда қўллаш орқали бино ва иншоотларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қурилиш конструкцияларининг термик бардошлигини ошириш усуллари, эҳтимоллик назарияси ва математик статистика қоидаларининг амалга оширилиши, амалий экспериментал тажрибаларни режалаштириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларидағи ёнгинлар таҳлили, шунингдек, тадқиқот натижаларининг математик статистика ва корреляцион таҳлил, спектроскопик, термик анализ усуллари, иссиқлик-физик, физик-кимёвий, оптик ва электрон-микроскопик текшириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

ультратовушли таъсир орқали олинган термовермикулит, волластонит, микрокремнезёмларнинг янги ишлаб чиқилган юқори дисперсли ғовакдор заррачалари асосида ёғоч, металл ва темирбетон конструкцияларни олов ва иссиқдан юқори даражада ҳимояловчи қурилиш аралашмаларининг янги таркиблари яратилган;

янги ишлаб чиқилган қурилиш аралашмаларининг таркиблари, асосий компонентларининг миқдор кўрсаткичлари, дисперслик даражаси ва ғовакдорлигининг оптимал қийматларини аниқлаш асосида уларни ёғоч, металл ва темирбетон қурилиш конструкциялари, материалларини юқори даражада олов ва иссиқдан ҳимоялаш механизмлари ишлаб чиқилган ҳамда амалий тажрибалар билан исботланган;

янги таркибли олов ва иссиқдан сақловчи қурилиш аралашмалари билан ишлов берилганда ёғоч конструкциялар (600°C гача), металл конструкциялар ($1100-1150^{\circ}\text{C}$ гача), темирбетон конструкциялар (1600°C гача) оловбардошлиги оширилиши ҳамда бино ва иншоотлар конструкцияларининг ёнғинлар пайтидаги иссиқлик таъсирида деформацияга учраш вақтини 15-20%гача узайтириш мумкинлиги аниқланган;

бино ва иншоотлар конструкцияларига олов ва иссиқдан сақловчи қурилиш аралашмаларининг янги таркиблари билан ишлов берилганда ёнғинларнинг хавфли омиллари таъсиридан рационал ҳимоя қилиниши, биноларнинг барқарорлик муддатини ошириш ҳисобига авария-қутқарув ишларини ташкиллаштириш муддатини 8-10 дақиқагача узайтириш мумкинлиги илмий тасдиқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

яратилган янги технология орқали олинган термовермикулит, волластонит, микрокремнезёмларнинг юқори дисперсли ғовакдор заррачалари асосида ёғоч, металл ва темирбетон конструкцияларни олов ва иссиқдан самарали ҳимояловчи қурилиш аралашмаларининг янги таркибли олов ва юқори даражали иссиқдан ҳимояловчи қурилиш аралашма материаллари ишлаб чиқилган;

бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширувчи янги таркибли олов ва иссиқдан ҳимояловчи қурилиш материалларини ишлаб чиқариш усули яратилган;

янги ишлаб чиқилган қурилиш материалларини қўллаш орқали қурилиш материалларининг ёнғиндан хавфлилигини салмоқли даражада камайишига, жумладан, таклиф этилаётган қурилиш материалларининг қийин ёнувчан гурухга ўтишига аниқланган;

янги ишлаб чиқилган қурилиш материаллари билан металл ва ёғоч асосли қурилиш конструкциялари ва материалларига ишлов бериш орқали бино ва иншоотларда ёнғинларнинг келиб чиқиш хавфини камайтириш имконияти мавжудлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, статистик усулларининг қўлланганлиги ва олинган натижаларни бошқа тажрибалар натижалари билан солиштириш орқали асосланганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро мутаносиблиги ҳамда тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иссиқлик-физик, физик-кимёвий, оптик ва электрон-микроскопик усуллари ёрдамида қурилиш конструкциялари ва материалларининг оловбардошлиги ва юқори иссиқлик оқимларига

чиdamлилигини оширишнинг илмий назарий асослари яратилганлиги, маҳаллий минерал хом ашёлар асосида ишлаб чиқилган қурилиш аралашмаларининг янги таркибларининг иссиқликдан ҳимояланувчанлик хусусиятини аниқлаш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таклиф этилаётган термовермикулит, волластонит, микрокремнезёмларнинг юқори дисперсли ғовакдор заррачалари асосида ёғоч, металл ва темирбетон конструкцияларни олов ва иссиқдан самарали ҳимояловчи қурилиш аралашмаларининг янги таркибларининг асосий компонентларини кимёвий таркиби, физик ҳолати ҳамда иссиқлик физикасига таъсир қилиш орқали мазкур материалларнинг асосий ҳимояловчи янги хусусиятлари шаклланишига эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оловбардош ва мустаҳкам қурилиш материалларини олиш технологиясини яратиш ва физик-механик хусусиятларини татбиқ этиш бўйича олинган натижалар асосида:

маҳаллий хом ашёлар асосида олинган янги турдаги олов ва иссиқдан ҳимояловчи қурилиш аралашмаларини (қурилиш пастаси ва сувоқ) таркиблари Ўзсаноатқурилишматериаллари уюшмасида жорий қилинган (Ўзсаноатқурилишматериаллари уюшмасининг 2022 йил 11 февралдаги 05/15-382-сонли маълумотномаси). Натижада янги олинган олов ва иссиқликдан сақловчи аралашма таркиблари асосидаги қопламаларнинг бино ва иншоотлар конструкцияларининг термикбардошлигини 40–45% га, мустаҳкамлигини 15–20% га, термик ва очик олов таъсирида деформацияланишга учраш вақтини 10–15 % гача ошишига эришилган.

маҳаллий хом ашёлар асосида олов ва юқори даражали иссиқликка чидамли қурилиш аралашмаларини (қурилиш пастаси ва сувоқ) янги таркиби Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги тасаррӯфидаги корхоналарга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2022 йил 13 февралдаги 09-06/1349-сонли маълумотномаси). Натижада ёғоч конструкциялари оловбардошлигини 600°C гача, металл конструкцияларини 1100–1150°C гача, темир бетон конструкцияларини эса 1600°C ҳароратгача бўлган термик ва очик олов таъсирига бардошлилиги ошириш имкониятини берган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда мухокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, улардан 1 таси хорижий журналларда, 6 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, 7 таси халқаро ва республика миқёсидаги анжуманлар тўпламларида нашр этилган бўлса, 1 та ихтиро учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги мулк агентлигидан ихтиро учун патент олинган.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

I. Ўзбекистон Республикасининг “Иссиқлик изолияцияловчи сувоқ таркиблар” (№ IAP 06683, 2021 й.) ихтирога патенти.

Фойдаланиш соҳаси: техника фанлари.

Вазифаси: Маҳаллий минерал хом ашёлар асосида қурилиш конструкцияларини (ёғоч, металл ва темирбетон) оловдан ҳимояловчи (курилиш пастаси ва сувоқ) материалларни тайёрлаш усулларини такомиллаштириш. Ушбу ихтиродан бино ва иншоатларни барпо қилишда ишлатиладиган қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкин, шунингдек ушбу таклиф этилаётган қурилиш аралашмалари деворларнинг ташки ва ички томонларини олов ва иссиқлик таъсиридан изоляцияловчи қоплама материалларнинг янги таркиби ҳисобланади.

Ихтиро моҳияти: Ҳимояланмаган металл конструкциялар кесим элементларининг қалинлиги ва таъсир этувчи кучланишларнинг катталигига қараб 0,1 дан 0,3 соатгача бўлган оловбардошлиқ чегарасига эга. Бинолар ва иншоотларни лойиҳалаш учун ёнғин хавфсизлиги коидаларига мувофиқ, асосий қурилиш иншоотлари металл конструкциялари 0,25 дан 2,5 соатгача бўлган оловбардошлиқ чегарасига эга бўлиши лозим. Металл ва темир-бетон конструкцияларнинг оловбардошлиқ чегараларини меъёрий қийматларгача ошириш учун бетонлаш, ёнғиндан ҳимояловчи қоплама материаллар (облицовкалар), ёнғиндан ҳимояловчи қопламалар, қавариқланувчи ёнғиндан ҳимояловчи қопламалар каби усулларнинг самарали жиҳатлари ўрганилди. Ёғоч, метал ва темир-бетон конструкцияларнинг аниқланган оловбардошлиқ чегараси кўрсаткичидан материал юкланмаган конструкциянинг критик ҳароратига етгунга қадар вақт сифатида фойдаланилади.

Металл конструкциялар учун критик ҳарорат 500°C деб қабул қилинади. Ёнғин шароитларини таҳлил қилиш асосида конструкциянинг оловбардошлиқ чегарасининг қийматини аниқлаш учун, агар юклама тўлиқ меъёрдан сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин бўлса, кўтариб турувчи конструкцияларнинг оловбардошлиқ чегараларини экспериментал ёки ҳисоблаш усуллари ҳам инобатга олинди. Тадқиқот ишида цемент (М400), термовермикулит, қум, микрокремнезём, натрийкарбосиметилцеллюз, волластонит минерали, базальт тола ва силикат таркибли ғовакдор гранулалар (1-расм) асосида ёғоч, металл ва темирбетон конструкцияларни олов ва иссиқдан ҳимояловчи қурилиш аралашмаларини (курилиш пастаси ва сувоқ) олиш, уларни қўллаш, физик-механик ва термик хоссаларини ўрганишлар бўйича кенг қамровли тажрибалар ўтказилиши натижасидаги илмий асосланган назарий ва амалий натижалар олинган.



Базальт толаси



Волластонит минерали



Вермикулет минерали



Цемент 400 (ММ)



1-расм. Таркибларни ишлаб чиқиша фойдаланилган асосий компонентлар

Ўтказилган тажрибаларда цемент (М400) – асосий боғловчи, қум–қопламанинг термик бардошлигини ва физик-механик хоссларини таъминловчи компонент, термовермикулит – қопламанинг оловдан ҳимоя қилиш хусусиятини оширувчи компонент, волластонит минерали – юқори ҳароратларда (1800°C гача) қопламанинг оловдан ҳимоя қилиш хусусиятини оширувчи компонент, кремнезём – қопламанинг иссиқликдан изоляциялаш хусусиятини таъминловчи ғовакли компонент, майдаланган базалт толаси – мустаҳкамликни оширувчи яъни физик-механик хоссани таъминловчи компонент, силикат таркибли ғовакдор компонент – қопламанинг иссиқликдан изоляциялаш хусусиятини таъминловчи ғовакли компонент, натрийли-КМЦ (елим) – қопламанинг ёғоч юзаларга адгезиясини (ёпишишини) яхшиловчи компонент сифатида танлаб олинган.

Тажрибаларнинг дастлабки босқичида маҳаллий хом ашёлар - цемент, термовермикулит, қум, микрокремнезём, натрийкарбоксиметилцеллюз, волластонит, базалт тола ва силикат таркибли ғовакдор гранулалар каби компонентларнинг иссиқлик ўтказувчанлик, термик бардошлилик, физик (қаттиқлиги, ғоваклиги) ва кимёвий (кимёвий фаоллиги) хоссаларининг заррачаларнинг ўлчами ва геометрик шакли ва бошқа кўрсаткичларга боғлиқлиги ўрганилди. Ўтказилган тадқиқотларга асосан, ёнғиндан ҳимоя қилишнинг турли усулларида талаб қилинадиган оловбардошлиқ чегарасининг катталиги, ҳимояланган конструкциянинг тури ва майдондаги ҳимояланган юзаларнинг ориентири, конструкцияга таъсир қилувчи юклама тури, ёнғиндан ҳимоя қилиш бўйича ишларни бажариш ва ишлашнинг ҳароратли-намлик шароитлари, ёнғиндан ҳимоя қилиш ва қурилиш материалларига нисбатан атроф-муҳитнинг агрессивлик даражаси, шунингдек, ёнғиндан ҳимоя қилувчи материалнинг металлга нисбатан агрессивлик даражаси, ёнғиндан ҳимоя қилиш вақти ва конструкциялар учун эстетик талаблар инобатга олинди.

Тадқиқотларнинг кейинги босқичида олов ва юқори даражали иссиқдан ҳимояловчи қурилиш аралашмаларининг дастлабки таркиблари олиниб, ушбу таркибларнинг асосий иссиқлик ўтказувчанлик ва оловбардошликни ошириш бўйича хоссалари тадқиқ қилинди ва янги олинган таркибларнинг самарадорлигини тасдиқловчи дастлабки натижалар олинди (1-жадвал).

1-жадвал

Янги олинган таркибларнинг металл конструкцияларни стандарт ёнғин шароитида хосил бўлувчи юқори ҳароратларга тенг шароитлардаги иссиқлик оқимидан ҳимоя қилиш самарадорлигини ўрганиш натижалари

Таркиблар	Ҳажмий массаси, кг/м ³	Иссиқлик ўтказувч анлик	Талаб қилинадиган оловбардошлиқ чегараси (соат) бўйича ёнғиндан ҳимоялаш қалинлиги, мм				
			0,75	1	1,5	2	2,5
Цемент-қум-валластонитли таркиб	2600	0,99	30	40	45	50	60
Цемент-қум-термовермикулитли таркиб	700	0,51	65	65	65	65	120
Цемент-қум-силикатли ғовакли таркиб	650	0,42	16	16	32	32	36
Цемент-қум-термовермикулит- натрийкарбоксиметилцеллюлозали таркиб	450	0,33	25	30	40	50	60
Цемент-силикат ғовакли гранула-базальт толали таркиб	300	0,10	15	20	30	40	50
Цемент-термовермикулитли таркиб	350	0,15	15	20	30	40	45

Шунингдек, таклиф этилаётган олов ва иссиқлиқдан сақловчи аралашма таркибларининг ёғоч, металл ва темир-бетон конструкциялар намуналари ва фрагментларига термик таъсир берилгандаги самарадорлигини баҳолаш бўйича тажрибалар ўтказилди ва ижобий натижалар олинди. Тажриба жараёнлари ва намуналар 2-расмда келтирилган.



Янги таркиб билан ишлов берилган ёғоч
намунаси



Янги таркиб билан ишлов берилган металл
намунаси



Янги таркиб билан ишлов берилган темир-бетон
намунаси



Янги таркибларларга 1000–1200 °С гача термик
таъсир бериш орқали синаш жараёни

2-расм. Янги олинган олов ва иссиқлиқдан сақловчи аралашма таркибларининг ёғоч, металл ва темир-бетон конструкцияларнинг намуналари ва фрагментларига термик таъсир тажриба жараёнлари

Ҳар хил юзали қурилиш материаллари учун (ёғоч, металл ва темирбетон) олов ва иссиқдан сақловчи қурилиш аралашмаларининг таркибларини тайёрлашда танлаб олинган асосий компонентларнинг юқори дисперсли заррачаларидан фойдаланилди. Булар цемент (М400), термовермикулит (гидрофоб), қум, микрокремнезём, натрийкарбосиметилцеллюлоза, волластанит минерали, базальт тола ва силикат таркибли ғовакдор гранулалардир. Янги таркибларнинг қурилиш конструкцияларни олов ва юқори даражадаги иссиқлик оқимидан ҳимоялаш функциясини таркибнинг асосий компонентлари бўлган термовермикулит, ғовакдор микрокромнезём ва силикат таркибли гранулалар бажаради.

Тадқиқотлар давомида янги олинган ёнғин ва иссиқликдан ҳимояловчи таркиблар билан ёғоч материалларига ишлов берилиб, уларга маҳсус печда 800°C ҳарорат 30-35 дақиқа давомида термик таъсир берилди. Синов пайтида ишлов берилган ёғоч намуналарига термик таъсир бериш ҳарорати 750–800°C га, қиздириш вақти эса – 55–60 дақиқани ташкил қилган ҳолда, агар қиздириш давомида ҳимоя қопламаси ўзининг сифатларини сақлаб қолса қиздириш вақтини узайтириш имконияти эътиборга олинган. Ёғоч материалларни оловбардошлигини тадқиқ қилиш учун икки турдаги композицияли таркиблар қўлланилди ва синовлар икки типдаги ёғоч бўлаклар намуналари билан ўтказилди: биринчиси – 90x55x25 мм ўлчамга эга бўлаклар ва иккинчиси – 150x60x30 мм ўлчамга эга бўлган бўлаклар танлаб олинди(2-жадвал).


2-жадвал

Ёғоч, металл ва темирбетон қурилиш конструкциялар учун таркиблар

№	Ёғоч	Металл	Темирбетон
1	Цемент	Цемент	Цемент
2	Натрий-КМЦ (елим)	Микрокремнезём	Қум
3	Майдаланган термовермикулет (0,5-1 мм)	Майдаланган термовермикулет	Майдаланган термовермикулет
4	Силикат таркибли ғовакдор компонент	Натрийли суюқ шиша	Майдаланган волластанит минерали (100мкм)
5	Майдаланган базальт толаси (2-3)	Майдаланган базальт толаси (2-3)	Майдаланган базальт толаси (2-3)
6	Микрокремнезём	Майдаланган волластанит минерали 100 (мкм)	Микрокремнезём)

Ўтказилган тадқиқотларда ёғоч, металл ва темирбетон конструкциялар билан олов ва иссиқдан ҳимояловчи қурилиш аралашмаларининг янги таркиби билан ишлов берилган ҳолатдаги, ҳозирги кунда қурилиш амалиётида кенг қўлланилаётган хорижий давлатларда ишлаб чиқилган аралашмали таркиблари билан ишлов берилган ҳолатдаги ва таркиблар ишлов берилмаган ҳолатдаги параметрлари бўйича термик таъсир бериш орқали синов жараёнлари амалга оширилди. Тажрибаларни ўтказиш асосида олинган натижалар шуну кўрсатдики, ажралиб чиқсан газларнинг ҳарорати бўйича энг катта кўрсаткич ҳимояланмаган синов намунада кузатилди. Ишлов берилмаган синов намунасини печга киритганда фаол ёниш жараёни бошланди ва 5 дақиқа ичида ўзининг 20% массасини йўқотди ва юзаси жуда куйдирилган қўмиссимон ҳолатга ўтди. Энг оловбардош таркиблар юқори дисперсли волластонитнинг 30, 40 ва 50 масс.%га


эга таркибларида кузатилди. Бундай таркиблар билан қопланган бўлакларнинг синовида юзага келган жараёнларнинг қўйидаги ҳолатлари кузатилди: ажралиб чиққан газларнинг ҳарорати бўйича белгиланган 9–10 дақиқа мобайнида мазкур синовда ажралиб чиқувчи газларнинг ҳарорати 145–150°C ни ташкил қилди, бу эса қоплама билан ишлов берилган ёғоч намуналарида ёниш даражасининг пастлигидан далолат берди (3-расм).



3-расм. Ёғоч материали оловбардошлигини ошириш самарадорлиги:

1—таклиф этилаётган таркиб билан ёғоч намунасига ишлов берилганда; 2—хорижий давлатларда ишлаб чиқилган ва қурилиш амалиётида қўлланилаётган аралашмали таркиблари билан ишлов берилганда; 3—таркиблар ишлов берилмаган намунада синалганда


Металл конструкциялар учун юқори ҳарорат таъсиридан самарали ҳимоялаш усулларини топиш мақсадида оловбардош таркиблар билан тадқиқотлар ўтказилди. Бунда тадқиқ этилаётган оловбардош таркибнинг тузилиши қўйидагилардан иборат бўлди: 20 масс. % волластонит кукуни, 20 масс.% термовермикулит, 30 масс. % кум ва 30 масс. % цемент. Янги таркиб билан қопланган металл намунасига ҳарорат таъсири вақти 35 дақиқага тенг бўлган. Металл юзасидаги ҳарорат хромель-алюмель термопара ёрдамида ўлчанди. Қоплама билан қопланган металл намунасини 35 дақиқа давомида қиздирилиши натижасида унинг юзасида визуал жиҳатдан ўзгаришлар аниқланмади. Ўтказилган тажрибалар металл буюмлар ва конструкциялардаги янги таркибли оловбардош қопламаларнинг самарадорлигини баҳолаш бўйича экспериментлар натижалари уларнинг юқори самарадорликка эга эканлигини тасдиқлади (4-расм).



4-расм. Металлнинг оловбардошлигини ошириш самарадорлиги:
1—таклиф этилаётган таркиб билан ёғоч намунасига ишлов берилганда; 2—хорижий давлатларда

ишлаб чиқилган ва қурилиш амалиётида қўлланилаётган аралашмали таркиблари билан ишлов берилганда; 3–таркиблар ишлов берилмаган намунада синалганда

Синовларда биноларнинг темирбетон конструкцияларини, устунлар, ригеллар, элементлар орасидаги уланишлар ва бирикмаларни ҳимоя қилиш учун ишлаб чиқилган янги таркибли олов ва иссиқдан ҳимояловчи сувоқ таркибларидан фойдаланилди. Янги олинган олов ва иссиқдан ҳимояловчи қурилиш аралашмалари таркиблари билан конструкциялар фрагментлари юзасини қоплаш механизациялашган усулда амалга оширилди. Тадқиқотлар давомида аниқландик, ишлаб чиқилган олов ва иссиқдан ҳимояловчи қурилиш аралашмалари (сувоқ ва қурилиш пасталари) материаллари қатламлари бир вақтнинг ўзида коррозияга қарши ҳимоя вазифасини ҳам бажаради, шунинг учун сувоқ қатламини суриш билан металл конструкцияларни оловбардошлилигини ошириш билан бирга коррозиядан ҳам самарали ҳимояланиши таъминланишига эришилди. Металл конструкцияларнинг сиртлари ёнғиндан ҳимояловчи қопламаларни суришдан олдин кир, чанг ва ёғлардан тозаланади. Сачратиб сепиши усули ёрдамида сувоқ қилинадиган юзалар, сувоқнинг асосга ёпишишини ошириш учун дастлаб сув билан намланди ва сувоқни керакли суюқлик даражасида сепилди ва 120 дақиқалик термик таъсирга дучор этилди (5-расм).



5-расм. Темирбетон конструкцияларнинг оловбардошлилигини ошириш самарадорлиги:

1–тақлиф этилаётган таркиб билан ёғоч намунасида ишлов берилганда; 2–хорижий давлатларда ишлаб чиқилган ва қурилиш амалиётида қўлланилаётган аралашмали таркиблари билан ишлов берилганда; 3–таркиблар ишлов берилмаган намунада синалганда

Изланишларда қопламани тайёрлаш ҳамда ҳар хил (ёғоч, металл ва бетон) сиртларни сувоққа тайёрлаш, сувоқли қатламни суртиш ва текислаш бўйича бир қатор тадқиқотлар ўтказилди. Бунда изланишлар ҳар хил юзаларнинг ўзига хослик жиҳатлари эътиборга олинган ҳолда амалга оширилди. Ёнғиндан ҳимояловчи термовермикулитли сувоқларда тўлдирувчилар сифатида маҳсус ишлов бериш орқали гидрофоб хоссаси кучайтирилган термовермикулит, боғловчи сифатида маркаси M400 дан паст бўлмаган тез қотувчи портландцемент ишлатилди. Қавариқланган вермикулит (термовермикулит) ёнғиндан ҳимояловчи сувоқлар таркибида иссиқдан ҳимояловчи компонент сифатида ишлатилди. Термовермикулитни ишлатишдан олдин унинг тўкиладиган ҳажмий массаси зичлиги, дон (зарра) таркиби ва намлигини белгиланган нормалардан ошиб кетмаслиги, қум заррачасининг максимал йириклиги 2–2,5 мм дан ошмаслиги инобатга олинди. Ёнғиндан ҳимояловчи сувоқларнинг таркибига толали материал

— эриш ҳарорати 1200°C дан кам бўлмаган базальт тола ишлатилди. Базальт минерал толаси зичлиги 150–200 кг/м³ ва энг йириги 6–8 мм бўлган гранула (дона) кўринишида киритилди.

Ёнғиндан ҳимояловчи сувоқларнинг қориshmаларини ишлатишда аралашманинг барча компонентларига эга бўлган сувоқ аралашмасидан фойдаланиш мақсадга мувоғик, аралашмаларни саноат шароитларида узлуксиз ёки циклик ҳаракатли стандарт мажбурий аралаштиргичларда тайёрланди. Аралашмани тайёрлашда тўлдиригичга аввал тўлдириувчи моддалар, сўнгра боғловчи ташланди. Базальт тола ва силикат таркибли ғовакдор тўлдириувчиларни аралаштириш давомийлиги 0,5 дақиқа, боғловчини солгандаги аралаштириш давомийлиги 1,5–2 дақиқани ташкил қилди. Олинган олов ва иссиқдан сақловчи сувоқ аралашмаси масса бўйича 5–6 % дан кўп бўлмаган намлика эга бўлиши керак. Янги олинган ёнғиндан ҳимояловчи сувоқ компонент нисбатлари ва физик-механик характеристикалари тўлиқ ўрганиб чиқилди.

Синовлар давомида балкалар ва бошқа металл конструкциялар ёнғиндан ҳимоялаш қопламаси қатламининг қалинлиги қориshmанинг ҳажмий массаси 400–450 кг/м³ дан кам бўлмаганда оловбардошлиқ чегараси 2,5 - соатни ташкил қилди. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида цемент таркибли ёнғиндан ҳимояловчи қурилиш аралашмалари (сувоқ ва қурилиш ишлатилувчи пасталар) ишлаб чиқаришнинг энергиятежамкор технологияси яратилди. Олинган материалларнинг қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг физик-механик ва иссиқлик-техник хусусиятларига таъсирлари таклиф этилаётган янги таркибли сувоқларнинг оловбардошлиқни ошириш бўйича юқори кўрсаткичлари эга эканлигини илмий жиҳатдан исботлади.

Тавсия этилган қуруқ аралашма юзани юксак физикавий ва механик хусусиятлар (сиқиши ва эгилишда мустаҳкам) билан қўшилган юқори иссиқлик кўрсаткичли ишлов беришни таъминлайди. Ўтказилган тажриба синовларда биноларнинг темирбетон конструкцияларини, устунлар, ригеллар, элементлар орасидаги уланишлар ва бирикмаларни ҳимоя қилиш учун ишлаб чиқилган янги таркибли олов ва иссиқдан ҳимояловчи сувоқ таркибларининг юқори ёпишқоқлик хусусиятлари ўрганилди.

Янги олинган олов ва иссиқдан ҳимояловчи қурилиш аралашмалари таркиблари билан конструкциялар фрагментлари юзасини қоплашнинг механизациялашган усули янада такомиллаштирилишига эришилди.

Бу эса тавсия этилган композицияни кенг кўламда ишлатишга имкон беради. Бундан ташқари, тавсия этилган аралашма юқори иссиқбардошлиқка эга бўлиб, қўшимчалардан фойдаланиш унга кучли гидрофобик хусусиятларини беради, бу эса эксплуатация вақтида аралашмалар томонидан сувнинг шимиш хусусиятини кескин камайтириши ва шу билан бирга бутун хизмат муддати давомида термофизик ва физик-механик параметрларнинг барқарорлигини таъминлаши мумкинлиги ўз илмий исботини топди.

Ҳар хил юзали қурилиш материаллари учун (ёғоч, металл ва темирбетон) олов ва иссиқдан сақловчи қурилиш аралашмаларининг таркибларини тайёрлаш жараёнида танлаб олинган асосий компонентларнинг юқори дисперсли заррачаларидан фойдаланилишда ҳамда деворларнинг ички ва ташқи томонларига

ишлов беришда майдаланган волластонит минерали заррачаларининг таклиф этилаётган янги таркибли қурилиш аралашмаларининг мустаҳкамлигини ошириш имконияти борлиги билан биргаликда, деворларнинг ташқи зарба ва нурашга бардошлилик хусусиятининг юқорили эканлиги илк бор ўрганишга эришилган.

ХУЛОСА

“Маҳаллий минерал хом ашёлар асосида олов ва иссиқдан сақловчи қоплама материалларини олиш усулларини такомиллаштириш” мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация асосида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қўйидаги хулосаларга келинди:

1. Маҳаллий хом ашёлар – цемент, термовермикулит, қум, микрокренезём, натрийкарбоксиметилцеллюоза, волластонит минерали, базальт тола асосий компонентлари асосида янги таркибли, ёғоч, металл ва темирбетон конструкцияларни олов ва юқори даражали иссиқликка чидамлигини оширувчи қурилиш аралашмалари таркиблари олинган.

2. Ўтказилган тажрибаларда янги аралашма таркиблари асосидаги қопламалар ёрдамида бино ва иншоотлар конструкцияларининг термикбардошлигини 20–25% га, мустаҳкамлигини 10–15% га, термик ва очик олов таъсирида деформацияланишга учраш вақтини 10–15 % гача оширилишига эришилганлиги илмий исботини топган.

3. Янги олов ва иссиқликдан сақловчи қурилиш аралашмалари таркибларини ишлаб чиқиш технологияси яратилди ва улар асосида олинган қоришишмалар самарадор иссиқлик изоляциялаш ва юқори даражадаги термик бардошлик хоссаларига эга эканлиги тасдиқланган. Олов ва иссиқликдан сақловчи аралашмали янги таркиблар билан ишлов берилганда ёғоч конструкцияси намуналарининг оловбардошлигини 600°C гача ва металл конструкциялари намуналарининг оловбардошлигини эса 1100–1150°C гача оширишга эришилган.

4. Таклиф этилаётган янги таркибли аралашмалар билан қопланган ёғоч конструкцияларнинг қийин ёнувчан гурухга ўтишига эришилган. Темир-бетон қурилиш конструкциялари намуналарига очик олов ва термик таъсири берилганда, уларнинг 1600°C гача ҳарорат таъсирида деформацияга учрамаслиги ва мустаҳкамлик хусусиятларини йўқотмаслиги аниқланган.

5. Таклиф этилаётган янги олинган олов ва иссиқликдан сақловчи қурилиш аралашмаларининг таркибини кенг саноатлаштириш йилига бир неча миллиард сўм миқдорида тахминий иқтисодий самара келтириши билан биргаликда, ёғоч, металл ва темир-бетон конструкцияларни олов ва иссиқликдан ҳимоялаш орқали бино ва иншоотларнинг мустаҳкамлиги ва фойдаланиш муддатини узайтиришни таъминлашга эришилган. Шу билан биргаликда, ёнғинлар пайтида конструкцияларининг оловбардошлик вақтини 10–15 дақиқагача ўзайтириши эвазига, авария-кутқарув ишларини ташкиллаштиришнинг самарадорлигини ошириши мумкинлиги аниқланган.

6. Ҳар хил дисперсия хусусиятига эга бўлган волластонитлар ва улар асосида ишлаб чиқилган аралашмаларнинг термик ва оловдан ҳимоялаш хусусиятлари уларнинг термограммаларига оид эндотермик эффектлари билан

узвий ҳолда боғлиқлиги аниқланди. Волластонит минералининг термик хусусиятларига таъсир қилиш асосида волластонитни ва унинг асосида ишлаб чиқарилган таркибларининг термик ва иссиқлик физикасига оид хусусиятларини бошқариш усуллари ишлаб чиқилган.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.26/30.12.2019.Т.11.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ АРХИТЕКТУРНО – СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ**

**АКАДЕМИЯ МИНИСТЕРСТВА ПО ЧРЕЗВЫЧАЙНЫМ
СИТУАЦИЯМ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

КУЛДАШЕВ АБДУЛЛА ХАМИДДУЛАЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СПОСОБОВ ПОЛУЧЕНИЯ ОГНЕ И
ТЕПЛОЗАЩИТНЫХ ПОКРЫТИЙ НА ОСНОВЕ МЕСТНОГО
МИНЕРАЛЬНОГО СЫРЬЯ**

**05.10.02 – Безопасность в чрезвычайных ситуациях. Пожарная, промышленная,
ядерная и радиационная безопасность**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.4.PhD/T2573

Диссертация выполнена в Академии Министерства по чрезвычайным ситуациям Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.taqi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Маджидов Ином Уришевич
доктор технических наук, профессор

Защита диссертации состоится «___» ____ 2022 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc 26/30.12.2019.T.11.01. по присуждению ученых степеней при Ташкентском архитектурно-строительном институте. (Адрес: 100011, г. Ташкент, улица А.Кадыри, д.7в. Тел. (99871)241-10-84; факс: (99871) 241-80-00, e-mail: devon@taqi.uz, taqi_atm@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского архитектурно-строительного института (зарегистрирована за №60). Адрес: г. Ташкент, улица Малая кольцевая дорога, д.7. Тел.: (99871) 235-43-40; факс: (99871) 234-15-11. e-mail: taqi_atm@edu.uz.

Автореферат диссертации разослан «___» ____ 2022 года (реестр Протокола рассылки №___ от «___» ____ 2022 года)

Х.А. Акрамов

Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

А.Т.Хатомов

Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация представлении)

Сегодня в мире резко возрастают количества происходящих пожаров, и особенно, бедствия, связанные с техногенными пожарами. Результаты анализов, осуществляемых в данной сфере, показывают, что каждый год в мире происходит в среднем более 8 миллионов пожаров, в них погибает более 90 тысяч человек, 750-800 тысяч получают ранения, количество материального ущерба составляет около 50 миллиардов долларов США. В частности, в развитых странах материальный ущерб от пожаров составляет примерно 1% от их внутренней валовой продукции (ВВП). Широкие масштабы пожаров, происходящих в мире, нежелательные последствия, связанные с материальными ущербами, гибелью и ранениями людей требуют уделять большое внимание эффективному обеспечению пожарной безопасности в строительстве зданий и сооружений.

Являются актуальными вопросы обработки конструкций и материалов зданий и сооружений многофункциональными композициями, использования различных эффективных огнезащитных средств в целях защиты от пожаров, создания теплоизоляционных, огнестойких составов материалов и исследования их свойств, а также внесения научно обоснованных предложений. Следовательно, разработка технологии получения огнестойких строительных материалов и изучение физико-механических свойств, ускоренное развитие производства таких строительных материалов, осуществление широкомасштабных мероприятий по увеличению производства новых строительных материалов, конструкций и изделий, а также расширение их ассортимента и в свою очередь – уменьшение доли импорта остаются актуальными задачами сегодняшнего дня. В мире проводится достаточно большое количество исследований по созданию огнестойких композиций с целью повышения огнезащитных свойств конструкций и материалов, а также зданий и сооружений. В этой связи в нашей стране актуальной задачей остается создание современных строительных материалов на базе местного сырья и исследование их свойств, а также совершенствование технологии обработки полученными композициями материалов на их основе.

В республике возникает необходимость усиления научных исследований, направленных на эффективную реализацию таких задач, как повышение огнестойкости строительных материалов путем разработки технологии получения прочных строительных материалов и исследования их физико-механических свойств, продление времени устойчивости строительных конструкций до момента их разрушения во время пожаров и обеспечение тем самым безопасной организации аварийно-спасательных работ, а также спасения людей. В этом направлении в республике определены задачи "...обеспечения проживания людей в экологически безопасной среде, ...обеспечения пожарной безопасности, ...локализации производства"². В связи с этим важное значение приобретают вопросы создания технологии повышения степени огнестойкости и жаропрочности строительных конструкций и материалов.

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

С этой точки зрения данная диссертационная работа в определенной степени служит реализации задач, определенных постановлениями Президента Республики Узбекистан №ПП-4335 от 23 мая 2019 года “О дополнительных мерах по ускоренному развитию промышленности строительных материалов”, №ПП-4426 от 24 августа 2019 года “О дальнейшем повышении ответственности органов государственного и хозяйственного управления и органов исполнительной власти на местах за внедрение новой системы локализации производства и ускорение кооперационных связей в отраслях промышленности”, Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан №649 от 20 октября 2020 года “Об утверждении правил пожарной безопасности”, а также другими нормативно-правовыми документами, относящимися к данной сфере деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики Узбекистан II. "Энергетика, энерго- и ресурсосбережение".

Степень изученности проблемы. В последние годы в Республике Узбекистан и за рубежом рядом ученых проведены исследования по созданию огнестойких строительных материалов и изучению их структуры и свойств, а также разработке основ технологии их получения. Так, С.Е. Артеменко, А.А. Берлин, К.Е. Горяйнов, С.К. Горяйнова, Г.Е. Зайков, В.И. Кодолов, М.Б. Седельникова, А.А. Страхов, Б.А. Мавлянкариев, Ш.Э. Курбанбаев, Б.Т. Ибрагимов и многие другие исследователи внесли свой определенный вклад в теорию и практику огне- и теплозащитных материалов.

